КАСБИЙ ЛЕКСИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматкаримова Барно Хабибуллаевна
ЎзДЖТУ

Аннотация. *Ушбу мақолада техник йўналишда таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўқитишда касбий лексикани ривожлантиришнинг интегратив ёндашув асосидаги усуллари ёритилган. Интегратив ёндашувнинг касбий лексикани бойитиш, мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва талабаларнинг чет тилини ўрганишга қизиқишини оширишдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий интерактив методларни таълим жараёнига жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *интегратив ёндашув, касбий лексика, чет тили, инглиз тили, техник таълим, касбий компетенция, мулоқот кўникмалари, интерактив методлар, рақамли технологиялар.*

Ушбу маълумотда техник муассасаларда таҳсил олаётган сиртқи таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда профессионал лексикани ривожлантиришда интегратив ёндашувини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тажрибаси тавсифланади. Таълимда қайси йўналишни танлаш, аввало, таълим мақсадларига боғлиқ бўлиб, таълим йўналиши эса методларнинг ўзига хос тизимини ишлаб чиқишга олиб келади. Бугунги кунда барча фанларни ўқитиш жараёнига компетенциявий ёндашув кенг тадбиқ этилмоқда. Эндиликда ўқувчи талабаларга фан бўйича билим, кўникма ва малакалар беришнинг ўзи етарли эмаслиги, балки ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларни турли вазиятларда амалий қўллаш малакасини шакллантириб бориш кераклиги аён бўлиб қолди. Бинобарин, ушбу ёндашувга асосланган таълим эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида

оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади. Чунончи, тилни она тили сифатида ўрганишда тил меъёрларини унга системали ёндашиш асосида ўрганиш тақозо этилса, чет тилларни ўрганишда эса тил ўрганувчиларни мулоқот юритишга ўргатиш муҳим ўрин тутади. Демак, чет тилларни ўрганишда кўзда тутиладиган асосий мақсад хорижий тил ўрганувчиларининг нутқини ўстириш, ўрганаётган тилида эркин гапириш малакасини ҳосил қилишдан иборат. Айнан шу ҳолат тил таълимига профессионал лексикани жорий этилишига олиб келди. Сўнгги йиллар давомида мамлакатимиз таълим тизимида муайян ўзгаришлар рўй бериб, олий таълим тизимида интеграция жараёнлари кучайди. Интеграция замонавий таълимдаги энг муҳим инновацион ҳодиса сифатида қараладиган бўлди. Ихтисослаштирилмаган йўналишлар учун чет тилини ўрганишда кўплаб қийинчиликлар мавжуд бўлиб,ушбу ёндашув таълим стандарти талабларига жавоб беради ва талабалар ўртасида уларнинг чет тилига бўлган эҳтиёжлари ва қизиқишларини аниқлаш учун ўтказилган сўров асосида амалга оширилади. Ушбу тадқиқод ишида мутахассис бўлмаган талабаларга чет тилини ўқитишда қисқа ва осон integral ёндашувнинг моҳияти берилган. Мавзуни кенг ёритиш мақсадида мутахассислиги бўлмаган йўналишдаги талабаларга турли интерактив методлар билан ўқитиш усулларини кўриб чиқиб, бир нечта босқичларга ажратишни афзал билдик:

1. Чет тили ўқитувчилари дуч келадиган муаммо-бу чет тилини ўқитишда жорий этилган турли хил усулларнинг кўплиги ва талабалар эҳтиёжларини энг яхши усулларни танлаш заруратини билдиради. Инглиз тилини ўқитишда ушбу ёндашув қуйидаги афзалликларга эга: 1) касбий эътибор (талабалар ўз касблари ҳақида гапиришни ва касбий сўз бойлигини бойитишни ўрганадилар); 2) рақобат муҳити (кўплаб талабалар чет тилидаги танловларда иштирок этиш қўрқувидан халос бўлиши; ўқитишга комплекс ёндашув талабага мамлакатимизда турли танловларда ғолиб бўлишига ёрдам беради 3) мулоқотга урғу бериш (талабалар нафақат бир-бирлари ва ўқитувчилари билан, балки бошқа университетлар талабалари билан ҳам мулоқот қилишади).; 4) рақамли технологиялар (инглиз тили дарсларида онлайн воситалар мавзуга кўпроқ қизиқиш уйғотади); 5) психологик енгиллик (ижодий вазифалар инглиз тилида гаплашиш қўрқувидан халос бўлишга ёрдам беради).

Қайд этилган талабларни бажариш, ўз мутахассислиги доирасида кенг маълумотга эга бўлиш, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш бугунги кунда чет тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этмоқда. Хусусан,

республикамизда ёшларнинг хорижий тилларни мукаммал эгаллашлари, турли йўналишлар бўйича маълумотларни аслиятдан ўқиб ўзлаштириш, тили ўрганилаётган мамлакат соҳиблари билан эркин мулоқот юрита олиш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратила бошланди.

Шу боис ҳам,олий маълумот ҳар бир талабага шахсий ўсиш имкониятини бериши керак, биз ўқитишга янги мураккаб ёндашувларни жорий этишимиз ва талабалар эҳтиёжларига мослашишимиз керак,шундан айтиш жоизки, тил-кишилик жамиятини барпо этган, унинг тараққиётига сабаб бўлган ва турли мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган буюк неъмат, қудратли кучдир. Шунинг учун тилларни ўрганишга ҳамиша катта эътибор қаратиб келинган, тил ўқитиш методлари мунтазам такомиллаштириб борилган.

Хусусан, мамлакатимизда таълим соҳасида ўтказилган ислоҳотлар чет тилларни ўқитишда ҳам туб ўзгаришларни юзага келтирди. Тил ўргатиш ёндашуви ўқитиш ва ўрганиш ҳақида фикр юритиш усулидир. Ёндашув методларни ишлаб чиқаради, яъни бирор нарсани ўргатиш усули, бу ҳолда техника ёки фаолиятдан фойдаланган ҳолда иккинчи ёки хорижий тил сифатида ўрганилади.

"Ёндашув" атамаси муаммоларни ҳал қилишнинг асосий ғоялари, тамойиллари, усулларини ифодалаш учун ишлатилади. Ёндашув асосий ғояни, ижтимоий-иқтисодий, фалсафий, психологик ва педагогик шарт-шароитларни, мақсадларни, тамойилларни, мақсадларга эришиш босқичларини очиб берувчи муаммони ҳал қилиш усулидир. Бугунги кунда таълим жараёнига интегратив ёндашувнинг кириб келиши ҳам барча фанлар қаторида чет тилларни ўқитишда янгича ёндашувлар, методлар ва усулларни ишлаб чиқишни ва таълим жараёнига жорий этилишини тақозо этмоқда.Чет тили мутахассислиги бўлмаган техника йўналишидаги талабаларга инглиз тилини ўргатишдаги турли қийинчиликлар ушбу ёндошувсиз ўз ечимини топиши қийиндир.

Касбий нутқни ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишлари билан интеграция мазмун-моҳиятини тўлароқ англаш учун авваломбор “ интеграция” тушунчасининг ўзини кўриб чиқамиз. Методикага "интеграция" атамасини киритар эканмиз, унинг технология, иқтисодиёт, математика, педагогика ва ҳ.к. даги бир хил маънолар мажмуига таянамиз. Биз буни қуйидагича тушунамиз: интеграция-бу ўқитиш мазмуни, шакллари, усуллари, тамойиллари ва илмий, касбий, таълим ва гуманитар соҳаларда тил ўқитиш элементларининг ўзаро боғлиқлиги ва бу жараён сифатида интеграциянинг характеристикаси ушбу

процедуранинг қуйидаги энг зарур босқичларини аниқлашга ёрдам беради: тизимни ташкил этувчи омилни аниқлаш, янги дастур тузилишини яратиш, таркибни қайта ишлаш, самарадорликни текшириш, натижаларни тузатишдир. Инглиз адабиётида "интеграция" атамаси кенг маънода дифференсиация жараёни билан бирга юз берадиган фанларнинг яқинлашиш ва боғланиш жараёнини тавсифлаш учун ишлатилади деган хулосага келинди.

Адабиётлар

1. Рыбушкина, С. В. Языковая подготовка студентов технических вузов на основе интегрированного подхода к инженерному образованию / С. В. Рыбушкина. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1176-1179. — URL: https://moluch.ru/archive/89/18124/ (дата обращения: 25.09.2022).

2. Жалолов Ж.Ж. Бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясининг шакллантириш устувор таълимий муаммо сифатида // Бўлажак чет тили ўқитувчисининг касбий йўналтириш технологияси.Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009. − Б.3.

3. Ермакова Л.А. Интегративный подход в преподавании учебных дисциплин как условие усиления учебной мотивации и успешного обучения в вузе. Материалы научно-практической конференции с международным участием «Образование и развитие научной школы П.Н. Кулешова – Н.Д. Потемкина – Ю.Д. Рубана» 4 марта2009 г., Харьковская государственная зооветеринарная академия.

4. Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш: Дисс. …автореф. пед.фан. бўйича фалсафа док. − Т., 2017.− 46 б.